ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.26/2025.27.12.Yu/S.01.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ

ЭШОНКУЛОВ БУНЁДЖОН МАХАМАДАЛИЕВИЧ

ИНСОННИНГ МЕҲНАТГА ОИД ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ МЕХАНИЗМЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

12.00.13. – Инсон ҳуқуқлари

Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2026

UO‘K: 349.2-048.32(575.1)

Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Content of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD) on legal sciences

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по юридическим наукам

Эшонкулов Бунёджон Махамадалиевич
Инсоннинг меҳнатга оид ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича миллий механизмларни такомиллаштириш .....……..... 3

Eshonkulov Bunyodjon Maxamadalievich
Improving national mechanisms for protecting human labor rights. ……..... 23

Эшонкулов Бунёджон Махамадалиевич
Совершенствование национальных механизмов по защите трудовых прав человека.....40

Эълон қилинган ишлар рўйхати
List of published works
Список опубликованных работ...……..…….....44

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.26/2025.27.12.Yu/S.01.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ

ЭШОНКУЛОВ БУНЁДЖОН МАХАМАДАЛИЕВИЧ

ИНСОННИНГ МЕҲНАТГА ОИД ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ МЕХАНИЗМЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

12.00.13. – Инсон ҳуқуқлари

Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2026

Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2024.3.PhD/Yu1596 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз рус (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.nhrc.uz) ва "ZiyoNET" Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Саидов Акмал Холматович,** академик, юридик фанлар доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Мамасиддиқов Музаффаржон Мусажонович,** юридик фанлар доктори, профессор
	Расулов Жўрабек Абдусамиевич, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори
Етакчи ташкилот:	**Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети**

Диссертация ҳимояси Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.26/2025.27.12.Yu/S.01.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2026 йил "3" июль куни соат 15:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100029, Тошкент шаҳар, Ислом Каримов кўчаси, 15-уй, тел. +99871 239 40 23, email: info@nhrc.uz).

Диссертация билан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (12-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100029, Тошкент шаҳар, Ислом Каримов кўчаси, 15-уй, тел. +99871 239 40 23).

Диссертация автореферати 2026 йил "____" июнь куни тарқатилди.

(2026 йил "___" _____, ___ рақамли реестр баённомаси).

М.А.Тиллабаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлари доктори, профессор

Ў.С. Очилов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, юридик фанлари доктори, доцент

Г.Юлдашева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси юридик фанлар доктори, профессор

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда инсоннинг меҳнатга оид ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича бир қанча механизмлар мавжуд бўлиб, улар асосан икки гуруҳга бўлинади: халқаро ҳуқуқий механизмлар ва миллий ҳуқуқий механизмлар. Бугунги кунда халқаро ҳуқуқий механизмларни ишлаб чиқувчи энг муҳим ва эътироф этилган ташкилот – бу Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) ҳисобланади ва айни вақтда ХМТ 187 та аъзо давлатда яшаб, меҳнат қилаётган ишчиларнинг меҳнатга оид ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг халқаро механизмлари (конвенциялар ва тавсиялар)ни ишлаб чиқиш, қабул қилиш ҳамда ижроси юзасидан кенг қамровли ишларни амалга оширмоқда[1]. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)нинг ихтисослашган агентлиги бўлган ХМТнинг асосий мақсади – инсонларнинг меҳнат ҳуқуқларини илгари суриш, муносиб меҳнат имкониятларини яратиш ва ижтимоий ҳимояни кучайтиришдан иборат бўлиб, замон талаблари ва интеграция жараёнлари фаол кечаётган ҳозирги замонда меҳнат масалалари (масалан, мажбурий меҳнатни тақиқлаш, вояга етмаганлар меҳнати, касаба уюшмаларига эркинлик) бўйича халқаро ҳуқуқий стандартлар асосида инсоннинг меҳнатга оид ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича миллий механизмларни такомиллаштириш, ХМТ Конвенциялари ва тавсияларини чуқур тадқиқ этиш ҳамда уларни миллий қонунчиликка жорий этиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Жаҳонда ХМТ ва Жаҳон банки маълумотларига кўра, 2024 йилда меҳнатга яроқли аҳоли (ёки ишчи кучи) сони тахминан 3,7 миллиард кишини ташкил этган[2]. Ҳозирги кунда меҳнатга яроқли аҳолининг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва соҳада қонунийликни таъминлашда рақамлаштиришга асосланган мониторинг, яъни меҳнат инспекциялари томонидан мобил шаҳодатномалар орқали реал-вақтдаги кузатув ҳамда таҳлил усулларини жорий этиш; меҳнат қонунчилиги ижроси устидан кучайтирилган назорат ва махсус органларга бу борада қўшимча ресурслар ва ваколатлар тақдим қилиш; меҳнат муносабатларида барқарорликни таъминлаш мақсадида иш берувчилар ва ходимлар, уларнинг вакиллари иштирокида турли дисскуцияларни ташкил этиш; миграция ва мажбурий меҳнатни бартараф этишнинг ҳуқуқий механизмларини мустаҳкамлаш; гендер тенглигини таъминлаш ва меҳнатда заиф гуруҳларни ҳимоя қилиш каби масалалар муҳим устуворлик сифатида қаралмоқда.

Мамлакатимизда меҳнатга оид муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган қатор ислоҳотлар натижасида янги Меҳнат кодекси қабул қилиниб, меҳнат ва у билан бевосита боғлиқ бўлган ижтимоий жамоат муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишдаги камчилик ва номувофиқликлар

[1] https://www.globalcitizen.org/en/projects/-

[2] https://www.oecd.org/en/data/insights/statistical-releases/2025/08/gdp-growth-second-quarter-2025-oecd.html

бартараф этилди, меҳнат муносабатлари соҳасида сақланиб қолаётган қатор тизимли муаммоларга ҳуқуқий ечим топилди, жумладан, меҳнат соҳасида норматив ҳужжатлар, айниқса идоравий ҳужжатлар сони кескин камайиб, ходимлар ва иш берувчиларнинг манфаатлари балансини таъминлай оладиган мукаммал ҳуқуқий база яратилмоқда. Бироқ шу билан бирга инсоннинг меҳнатга оид ҳуқуқларини таъминлаш юзасидан бир қатор муаммолар мавжуд, жумладан, 2023 йил январь-декабрь ойлари давомида фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан меҳнат низоларига доир жами кўрилган ишлар 13.746 тани ташкил қилса, шундан ишга тиклашга доир кўрилган ишлар 3269 тани, иш ҳақи ундиришга доир кўрилган ишлар эса 7826 тани ташкил қилган[1].

Бу эса ходимларнинг асосий меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш механизмларини такомиллаштириш, меҳнатга оид ҳуқуқларни амалга ошириш кафолатлари, бунга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг масъулиятини янада ошириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб боришни тақозо этади.

Ушбу диссертация тадқиқоти Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (2023), Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси (2023), «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги (2016), «Аҳоли бандлиги тўғрисида»ги (2020), «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида»ги (2020) қонунлари, Ўзбекитон Республикаси Президентининг «Мамлакат тараққиётининг 2030 йилгача мўлжалланган устувор йўналишлари доирасида ислоҳотларни изчил давом эттириш ва янги босқичга олиб чиқишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2026) фармони, «Меҳнат органлари тузилмасини такомиллаштириш ва фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва меҳнатини муҳофаза қилиш тизимини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2018) қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш чора-тадбирларини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги (2014), «Меҳнат бозорида меҳнат муносабатларини тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги (2019) қарорлари ҳамда мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши бўйича бажарилган.

[1] Судлар томонидан 2023 йилда кўриб чиқилган фуқаролик ишлари юзасидан ахборот. https://sud.uz/news-2024-01-05-1.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Диссертация инсоннинг меҳнатга оид ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича миллий механизмларни такомиллаштиришга қаратилган дастлабки монографик ишлардан бири ҳисобланади.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида қатор олим ва сиёсатшунослар, жумладан академик А.Саидов, Олий Мажлис Сенати Раиси Т.Норбоеваларнинг мақолаларида, олимлар А.Мўминов, М.Тиллабаев, О.Таджибаева, Г.Юлдашеванинг дарсликларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмлари, унинг халқаро ва миллий ҳуқуқ тизимидаги ўзига ҳос хусусиятлари, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг усул ва воситалари, бу борада давлат органларининг вазифалари ва бошқа кўпгина ижобий томонлари ёритиб берилган, бироқ айнан инсоннинг меҳнатга оид ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича миллий механизмларни такомиллаштириш масалалари, меҳнат муносабатларида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмларини яратиш масалалари монографик тарзда ёритиб ўтилмаган. Айрим ҳуқуқшунос олимлар томонидан мазкур мавзу бўйича илмий мақолалар эълон қилинган ёки ўқув адабиётлари яратилган. Хусусан, А.А.Иноятов, М.А.Усманова, Й.Турсунов, М.Ю.Гасанов, Е.А.Соколов, Г.К.Саримсакова, Ш.А.Исмоилов, Б.Исроилов, Б.Рахимберганова, М.Махаматовларнинг, мавзунинг процессуал жиҳатлари эса М.М.Мамасиддиқов, З.Н.Эсанова, Д.Ю.Хабибуллаев, К.К.Олимова, С.А.Марипова ҳамда амалиётчи мутахассислардан Х.Ёдгоров, Г.Зиганшина, Ш.Ахатова, А.Навотный, Л.Хикматова, Х.Премқуловларнинг ишларини бунга мисол қилиб келтириш мумкин .

Шу ўринда тадқиқот мавзуси билан боғлиқ илмий изланишлар МДҲ давлатлари олимлари томонидан бевосита ўрганилганлигини таъкидлаш керак. Хусусан, Р.Ш.Давлатгельдиев, И.В.Шестерякова, Г.А.Трофимова, Л.А.Чиканова, Е.М.Рузаева, А.В.Бондаренко, А.Э.Змушко, Д.И.Логачев, Н.А.Постников, Ж.А.Хамзина, О.С.Хохрякова, Н.А.Цуркан, Н.Н.Тышкунова, М.А.Куренной, А.Я.Петров, Ю.Хачатурян, О.Д.Мамедов каби олимларнинг ишларини келтириб ўтиш мумкин.

Хорижий мамлакатларда ҳақ тўланадиган йиллик меҳнат таътилини ҳуқуқий тартибга солиш масалалари A.V.Panaro, Jennifer Sherer, Nina Mast, M.Wooden, D.Warren, P.Gregg, J.Wadsworth, M.Sargent, D.Lewis, R.Ray, J.Schmitt, C.Stothers, Porter, O.E.Erdogdu, M.N.Berrigan, K.Ogura, A.Bogg, C.J.Ramirez, M.A.Panasci, D.McCann каби олимлар томонидан ўрганилган.[1]

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг 2022-2026-йилларга мўлжалланган илмий тадқиқот ишлари режасининг «Инсоннинг меҳнатга оид ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича миллий механизмларни такомиллаштириш» мавзуси доирасида бажарилган.

[1] Ушбу муаллифларнинг илмий ишлари фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

Тадқиқотнинг мақсади инсоннинг меҳнатга оид ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича миллий механизмларни такомиллаштириш ва мавжуд муаммоларни ҳал этишга қаратилган илмий асосланган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

инсоннинг меҳнатга оид конституциявий ҳуқуқлари тушунчаси ва турларини тадқиқ этиш;

инсоннинг меҳнатга оид конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш кафолатларини таҳлил қилиш;

инсоннинг меҳнатга оид ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид халқаро стандартларнинг умумий тавсифини очиб бериш;

вояга етмаганларнинг меҳнат қилишга оид ҳуқуқларини таъминлаш масалалари билан боғлиқ муаммоларни тадқиқ этиш;

аёллар, ҳомиладор аёллар ва уч ёшгача боласи бор аёллар меҳнатини ҳуқуқий тартибга солишнинг хусусиятлари масалаларини ўрганиш;

ногиронлиги бўлган шахслар, оғир меҳнат шароитлари ёки зарарли ҳамда ноқулай табиий иқлим шароитларида меҳнат қилувчи ходимларнинг меҳнатини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг ўзига хос жиҳатларини таҳлил этиш;

меҳнатга оид ҳуқуқларни ҳимоя қилишга бўйича хорижий тажриба таҳлили ва бу борада миллий механизмларни ривожлантириш истиқболларини аниқлаш;

инсоннинг меҳнатга оид ҳуқуқларини ҳимоя қилишда касаба уюшмаларининг иштирокини такомиллаштиришга оид таклифлар ишлаб чиқиш;

инсоннинг меҳнатга оид ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи давлат органлари ва уларнинг фаолиятини такомиллаштиришга оид таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объектини инсоннинг меҳнатга оид ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича миллий механизмларни такомиллаштириш соҳасида вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатлар тизими ташкил қилади.

Тадқиқотнинг предмети инсоннинг меҳнатга оид ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича миллий механизмларни такомиллаштириш юзасидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, Халқаро Меҳнат Ташкилоти норма ижодкорлиги, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти, шунингдек юридик фанда шаклланган концепциялар ҳамда илмий-назарий қарашлардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот давомида анализ ва синтез қилиш, умумлаштириш, қиёсий-ҳуқуқий тизимли таҳлил қилиш, социологик, эмпирик тадқиқот, статистик маълумотлар таҳлили усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қариндошининг судланганлиги ва бундан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар давлат фуқаролик хизматига қабул қилиш ва уни ўташ чоғида

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқларини чеклаш учун асос бўлиши мумкин эмаслиги асослантирилган;

иш қидираётган шахслар маҳаллий меҳнат органига паспортини ёки идентификацияловчи ID-картасини ёхуд шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатни тақдим этган ҳолда мурожаат қилиши, унинг иш стажи, маълумоти (мавжуд бўлган тақдирда), иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлар ҳамда бошқа маълумотлар маҳаллий меҳнат органи томонидан масъул давлат органлари ва ташкилотлардан мустақил равишда, шу жумладан «Рақамли ҳукумат» тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали сўраб олиниши зарурлиги асослантирилган;

ходим ҳақиқатда ишламаган бўлса ҳам, лекин қонунчиликка асосан шаҳарлардаги бюджет ташкилотларида ходимнинг иш жойи (лавозими) сақланган даврига ойлик устама олиши зарурлиги асослантирилган;

ойлик устамалар шу ой давомида ишлаган вақти, шунингдек, қонунчилик ҳужжатларига асосан ходимнинг тўлиқ ёки қисман ойлик иш ҳақи сақланган даврлари учун ҳам тўланиши зарурати асослантириб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

инсоннинг меҳнатга оид конституциявий ҳуқуқлари тушунчаси ва турларини тадқиқ этиш зарурлиги асослантирилган;

инсоннинг меҳнатга оид конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш кафолатларини такомиллаштириш зарурлиги асослаб берилган;

инсоннинг меҳнатга оид ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид халқаро стандартларнинг умумий характеристикасини очиб бериш зарурлиги илмий исботланган;

вояга етмаганларнинг меҳнат қилишга оид ҳуқуқларини таъминлаш масалалари билан боғлиқ муаммолар таҳлил этилган;

аёллар, ҳомиладор аёллар ва уч ёшгача боласи бор аёллар меҳнатини ҳуқуқий тартибга солишнинг хусусиятлари масалалари ўрганилган;

ногиронлиги бўлган шахслар, оғир меҳнат шароитлари ёки зарарли ҳамда ноқулай табиий иқлим шароитларида меҳнат қилувчи ходимларнинг меҳнатини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг ўзига хос жиҳатлари таҳлил этилган;

меҳнатга оид ҳуқуқларни ҳимоя қилишга бўйича хорижий тажриба таҳлили ва бу борада миллий механизмларни ривожлантириш истиқболлари кўрсатиб берилган;

инсоннинг меҳнатга оид ҳуқуқларини ҳимоя қилишда касаба уюшмаларининг иштирокини такомиллаштиришга оид таклифлар ишлаб чиқилган;

инсоннинг меҳнатга оид ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи давлат органлари ва уларнинг фаолиятини такомиллаштиришга оид таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари халқаро ҳуқуқ ва миллий қонунчилик нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, социологик тадқиқотларнинг анкета,

интервью ва эксперт баҳолаш шаклларига асосланган, статистик маълумотларни таҳлил қилиш натижалари умумлаштирилиб, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий натижалари инсоннинг меҳнатга оид ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича миллий механизмларни такомиллаштиришга оид илмий қарашларни кенгайтиради, миллий механизмлар тушунчаси, уларни такомиллаштиришда муҳим назарий масалаларни ҳал қилишда аҳамиятли ҳисобланади.

Тадқиқот натижаларидан ўқув мақсадларида, хусусан юридик ва ноюридик олий ўқув юртларида меҳнат ҳуқуқи фанини ва бошқа махсус курсларни ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти шундаки, ишлаб чиқилган таклифларни амалга ошириш инсоннинг меҳнатга оид ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича миллий механизмларни такомиллаштиришга, шунингдек ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини амалга ошириш кафолатларини таъминлашга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот иши бўйича олинган илмий натижалардан қуйидагиларда фойдаланилган:

қариндошининг судланганлиги ва бундан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар давлат фуқаролик хизматига қабул қилиш ва уни ўташ чоғида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқларини чеклаш учун асос бўлиши мумкин эмаслиги ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 8 августда қабул қилинган “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги ЎРҚ-788-сонли Қонунининг 10-моддасида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Парламент тадқиқотлари институти томонидан 2026 йил 4 февралдаги 3/dn-14-далолатнома). Ушбу таклиф қариндошининг судланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига давлат фуқаролик хизматига қабул қилиш ва уни ўташ имконини берган;

Иш қидираётган шахслар маҳаллий меҳнат органига паспортини ёки идентификацияловчи ID-картасини ёхуд шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатни тақдим этган ҳолда мурожаат қилиши, унинг иш стажи, маълумоти (мавжуд бўлган тақдирда), иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлар ҳамда бошқа маълумотлар маҳаллий меҳнат органи томонидан масъул давлат органлари ва ташкилотлардан мустақил равишда, шу жумладан «Рақамли ҳукумат» тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали сўраб олинишига оид таклиф 2020 йил 20 октябрда қабул қилинган «Аҳоли бандлиги тўғрисида»ги 29-моддасида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Парламент тадқиқотлари институти томонидан 2026 йил 4 февралдаги 3/dn-14- далолатнома). Ушбу таклиф иш қидираётган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашга хизмат қилган;

ходим ҳақиқатда ишламаган бўлса ҳам, лекин қонунчиликка асосан шаҳарлардаги бюджет ташкилотларида ходимнинг иш жойи (лавозими) сақланган даврига ойлик устама олишига оид таклифи Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 8 апрелдаги 206-сон қарори билан тасдиқланган “Учқудуқ, Зарафшон, Нуробод шаҳарлари ва Конимех туманининг Зафаробод шаҳарчасидаги бюджет ташкилотлари ходимларига компенсация хусусиятига эга бўлган устама тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг тўртинчи банди, учинчи хатбошисида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Бош вазири котибиятининг Ахборот-таҳлил ва юридик таъминлаш департаменти томонидан 2026 йил 29 апрелда берилган 12-16-32-сон далолатнома). Ушбу таклиф ходим ҳақиқатда ишламаган бўлса ҳам, лекин қонунчиликка асосан шаҳарлардаги бюджет ташкилотларида ходимнинг иш жойи (лавозими) сақланган даври ойлик устамани олиш ҳуқуқини берувчи иш стажига киритилиши имконини берган;

ойлик устамалар шу ой давомида ишлаган вақти, шунингдек, қонунчилик ҳужжатларига асосан ходимнинг тўлиқ ёки қисман ойлик иш ҳақи сақланган даврлари учун ҳам тўланади мазмундаги таклифи Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 8 апрелдаги 206-сон қарори билан тасдиқланган “Учқудуқ, Зарафшон, Нуробод шаҳарлари ва Конимех туманининг Зафаробод шаҳарчасидаги бюджет ташкилотлари ходимларига компенсация хусусиятига эга бўлган устама тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг еттинчи бандида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Бош вазири котибиятининг Ахборот-таҳлил ва юридик таъминлаш департаменти томонидан 2026 йил 29 апрелда берилган 12-16-32-сон далолатнома). Ушбу таклиф ходимнинг тўлиқ ёки қисман ойлик иш ҳақи сақланган даврлари учун ойлик устамалар тўланишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш, жумладан, 5 та илмий мақола (3 та хорижий нашрда) ва 5 та тезис чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, еттита параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 156 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва аҳамияти, тадқиқот ишининг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишларига мослиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети,

усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилиниши, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги ва диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Тадқиқотнинг **“Инсоннинг меҳнатга оид конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уни амалга оширишнинг назарий ва ҳуқуқий асослари”** деб номланган биринчи бобида инсоннинг меҳнатга оид конституциявий ҳуқуқлари тушунчаси ва турлари, инсоннинг меҳнатга оид конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш кафолатлари, инсоннинг меҳнатга оид ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид халқаро стандартларнинг умумий тавсифи ўрин олган. Диссертант илмий қарашлар, замонавий тенденциялар, хориж тажрибаси ва халқаро стандартларга асосланган ҳолда ходим меҳнатга оид конституциявий ҳуқуқлардан чекланмаган даражада фойдаланиши мумкин эмас ва бу меҳнат муносабатларида тарафларнинг тенглиги принципи ҳамда иш берувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини бузилишига олиб келиши мумкин. Меҳнат қилиш ҳуқуқи шахсга мустақил равишда меҳнат турини танлаш, шу билан бирга, меҳнат қилиш шароитларини ўз хоҳишига кўра белгиловчи меҳнат муносабатларига киришиш ҳуқуқини беради. Адолатли иш ҳақини белгилаш бозор конъюктурасига зид бўлса-да аҳолини эҳтиёжманд қисмини ижтимоий ҳимоялашга қаратилганлигини ҳам инобатга олиш лозим. Бу борадаги энг катта муаммо иш ҳақларини нақд пулсиз электрон тизимлар орқали тўлаш, конверт усулида маош тўлаш каби ҳолатларни олдини олади ва хусусий сектор томонидан мазкур ҳуқуқнинг бузилишини олдини олишга хизмат қилишига оид ғояларини асослантиради.

Меҳнат қилишга оид давлат кафолатлари фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилишга қаратилган механизмлардан иборатлигини илгари суради. Унинг фикрича ушбу кафолатлар қонунчиликда мустаҳкамлаб қўйилган бўлиб, қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ходимларнинг меҳнат қилишга бўлган ҳуқуқи бу Конституция ва Меҳнат кодексида акс этган бўлиб, давлат ҳар бир инсоннинг эркин касб танлаши ва меҳнат шартномаси орқали ишга жойлашиш ҳуқуқини кафолатлайди;
- бандликни таъминлаш ва ишсизликдан ҳимоя қилиш соҳасида давлат ишсизликни камайтириш бўйича чоралар кўради. Бу мақсадда аҳолини иш билан таъминлаш дастурлари қабул қилинади, бандлик агентликлари ва касбга тайёрлаш марказлари орқали фуқароларга янги иш ўринлари яратилади;
- меҳнат муҳофазаси ва хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаш соҳасида давлат иш жойларида хавфсизлик ва меҳнат муҳофазасини таъминлайдиган қонунларни жорий этади. Айни ушбу қонунлар асосида иш берувчилар меҳнат муҳофазаси қоидаларига риоя қилишлари ва ходимларга хавфсиз иш шароитларини яратиш чораларини кўради;

- минтақавий иш ҳақи миқдорини кафолатлаш орқали давлат меҳнат ҳақининг энг кам миқдорини белгилайди ва унинг амалга оширилишини назорат қилади. Бу эса ишчиларнинг меҳнат ҳақларини кафолатлашга хизмат қилади;

- ижтимоий ҳимоя ва ёрдам кўрсатиш натижасида, яъни давлат ишсизлик нафақаси, муваққат меҳнатга лаёқатсизлик ёрдам пуллари, пенсиялар, ҳомиладорлик ва туғруқ бўйича ёрдам пуллар каби ижтимоий ёрдам турларини жорий этиш орқали фуқароларни меҳнат соҳасида ҳимоя қилади;

меҳнатда тенглик ва камситишлардан ҳимоя қилиш чораларини амалга ошириш натижасида, давлат барча шахслар учун меҳнатда тенглик ҳуқуқини кафолатлайди, жинси, ирқи, миллати, тили ва диний эътиқодидан қатъий назар, ҳар бир шахс тенг меҳнат шароитлари ва имкониятларга эга бўлади ва бу кафолатлар орқали давлат меҳнат қилиш ҳуқуқларининг адолатли ва хавфсиз шароитларда амалга оширилишини таъминлашга ҳаракат қилади.

Инсоннинг меҳнатга оид конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш ва ҳимоя қилиш механизми маълум бир ҳуқуқни амалга ошириш учун мўлжалланган усул ва воситалар тизимини, масалан меъёрий воситалар, инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини белгилайдиган ҳамда уларнинг таъминланиши ва амалга оширилишини кафолатлайдиган миллий ва халқаро ҳуқуқ нормалари, ташкилий воситалар сифатида турли хил давлат институтлари (суд органлари, прокуратура, омбудсман институти) ва процессуал усуллар (ҳуқуқларни ҳимоя қилиш учун маъмурий органлар қарорларини шикоят қилиш тартиби, судга даъво киритиш ва халқаро инстанцияларга мурожаат қилиш каби процессуал институтлар) дан иборат.

Мамлакатимизда фуқароларнинг Конституцияда белгиланган меҳнатга оид ҳуқуқларини таъминлаш самарадорлигини ошириш, давлат органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқини таъминлашга оид кафолатларни янада мустаҳкамлаш зарурати қуйидагилар билан белгиланади:

- меҳнат муносабатларининг кун сайин янги ва хилма-хил шаклларининг вужудга келаётганлиги;

- онлайн платформаларда меҳнат муносабатларининг ривожланиб бораётганлиги;

- жамият ижтимоий ҳаётида давлат элементи билан боғланган ташкилотлар билан хусусий сектор вакиллари ўртасида соғлом рақобат муҳитининг вужудга келганлиги;

- иқтисодий секторда хорижий инвесторлар улушининг ортиб бораётганлиги;

- мурожаатларни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган судларнинг таркибий тузилмаси сезиларли даражада ўзгармаганлиги, яъни суд ишларини кўришга ваколатли судьялар корпуси иш ҳажмининг ортиб бораётганлиги;

- ҳам иш берувчилар, ҳам ходимлар томонидан низоларни имкон қадар тезроқ ва ўзаро манфаатли ҳал қилишга бўлган талабларнинг ортиб бораётганлиги.

Шунингдек диссертант Меҳнат кодексининг

545-моддаси учинчи қисмида белгиланган. “якка тартибдаги меҳнат низоси меҳнат низолари бўйича комиссияда ёки судда кўриб чиқишнинг исталган босқичида” деган жумлани айрим ҳолларда ваколатли органлар мазкур қисмда белгиланган нотўғри талқин қилиши ва 558-модда белгиланган талаблар асосида меҳнат низоси юзасидан тўғридан тўғри медиаторга мурожаат қилишни истисно этишини олдини олиш ва қонунчиликдаги ушбу қарама-қаршиликларни бартараф этиш, аниқ ва бир хилда қўллаш мақсадида Меҳнат кодексининг 544-моддасини қуйидагича “ҳар қандай якка тартибдаги меҳнат низоси юзасидан тарафлар медиаторга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга” мазмунда тўлдириш мақсадга мувофиқлигини таъкидлайди.

Диссертациянинг **“Айрим тоифадаги ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ўзига хос хусусиятлари”** деб номланган иккинчи бобида вояга етмаганларнинг меҳнат қилишга оид ҳуқуқларини таъминлаш масалалари, аёллар, ҳомиладор аёллар ва уч ёшгача боласи бор аёллар меҳнатини ҳуқуқий тартибга солишнинг хусусиятлари, ногиронлиги бўлган шахслар, оғир меҳнат шароитлари ёки зарарли ҳамда ноқулай табиий иқлим шароитларида меҳнат қилувчи ходимларнинг меҳнатини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг ўзига хос жиҳатлари ўрганилади.

Муаллифнинг қарашича ҳуқуқий жиҳатдан олиб қараганда болаларнинг меҳнат қилишга бўлган ҳуқуқи бирон-бир норматив ҳужжат билан таъқиқланмайди, фақатгина уларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқини амалга оширишлари учун қонунчилик билан имтиёз ва кафолатлар, шунингдек ўн саккиз ёшгача бўлган ходимлар меҳнатининг қўлланилиши тақиқланадиган ва бажарилиши вояга етмаганларнинг соғлиғига ва маънавий жиҳатдан камол топишига зиён етказиши мумкин бўлган ишлар рўйхати, шунингдек уларнинг оғир юкларни кўтариши ва ташиши чоғида йўл қўйиладиган энг кўп нормалар белгиланиши уларнинг манфаатларига хизмат қилади.

Ходимларнинг тоифасига қараб, ҳуқуқ нормаларида белгиланган кафолат ва имтиёзларнинг асосий моҳияти айрим тоифа ходимлар учун махсус нормалар билан алоҳида қоидалар ўрнатиб қўйилишида намоён бўлади. Масалан, умумий тартибга нисбатан ишга жойлаштириш, меҳнат шартномасини тузиш ва уни бекор қилиш, иш вақти ва дам олиш вақтини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш хусусиятлари, меҳнатга ҳақ тўлаш борасида қўшимча имтиёз ва афзалликлар, қаттиқроқ интизомий ва тўлиқ моддий жавобгарлик белгиланиши шулар жумласидандир. Демак фақат имтиёз ва кафолатлар эмас, балки салбий томонга ҳам ўзгариши мумкин. Масалан, меҳнат шартномасини бекор қилишнинг қўшимча асосларини белгилаш.

Тадқиқотчи фикрича, аёлларнинг меҳнат соҳасида ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашнинг мураккаблиги қуйидагиларда намоён бўлади, биринчидан, аёллар меҳнати, умуман меҳнат муносабатларига оид халқаро ҳужжатларнинг кенг қамровлиги ва қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ халқаро шартномалар устиворлигининг тан олинганлиги, иккинчидан, аёллар меҳнатини ҳуқуқий тартибга солиш устидан давлат назорати ва жамоатчилик назоратини таъминлаш жараёнида иш берувчининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказмаслик, учинчидан, аёллар меҳнатини ҳуқуқий тартибга солишга ваколатли давлат бошқаруви органларининг бу борадаги ваколатлари чегараси аниқлаштирилмаган, тўртинчидан, норматив ҳуқуқий ҳужжатлар орасидаги бўшлиқлар ва оқ доғлар, коллизион нормаларнинг мавжудлиги, қонуности ҳужжатларининг миллий қонунга, миллий қонунчиликнинг эса халқаро қонунчиликка нисбатан фарқ қилиши, одатда бу миллий ҳуқуқ ижодкорлари томонидан ҳуқуқни айланиб ўтиш шаклида намоён бўлади, бешинчидан, бу борадаги ҳуқуқбузарликларни аниқлашнинг миллий ҳамда халқаро автоматлаштирилган тизимининг мавжуд эмасли, мурожаатлар ҳалигача оғзаки ва ёзма тарзда индивидуал юборилаётганлиги билан боғлиқдир.

Диссертациянинг **“Меҳнатга оид ҳуқуқларни ҳимоя қилишга ваколатли органлар ва улар фаолиятини такомиллаштириш масалалари: қиёсий-ҳуқуқий таҳлил”** деб номланган учинчи бобида Меҳнатга оид ҳуқуқларни ҳимоя қилишга бўйича хорижий тажриба таҳлили ва бу борада миллий механизмларни ривожлантириш истиқболлари, инсоннинг меҳнатга оид ҳуқуқларини ҳимоя қилишда касаба уюшмаларининг иштирокини такомиллаштириш, инсоннинг меҳнатга оид ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи давлат органлари ва уларнинг фаолиятини такомиллаштириш масалалари ўрин олган. Диссертант, ривожланган давлатларнинг ходимларни ижтимоий ҳимоялаш тизими аввало инсон ҳуқуқларининг умумий қоидаларига асосланган, шу билан бирга алоҳида тоифадаги ходимлар учун ижтимоий ҳимоянинг энг минимал чегараси қатъий белгиланган. Европа мамлакатларида ходимларни ижтимоий ҳимоялаш инструментлари иш берувчиларни қийин вазиятга солмаслиги, бу борада ижтимоий ҳимоя эга субъектлар ҳам мазкур ҳуқуқлардан инсофли тарзда фойдаланиш механизмлари инобатга олинганлигини таъкидлайди. Шунингдек, бу борадаги Франция тажрибасини, яъни меҳнат муносабатларида ходимларни ҳимоялашнинг алоҳида шакли сифатида ҳар бир соҳа учун махсус меҳнат хавфсизлиги ва санитария қоидалари ишлаб чиқилганлигини инобатга олиб, мамлакатимизда ҳам ҳар бир соҳа учун алохида махсус меҳнат хавфсизлиги ва санитария қоидаларини ишлаб чиқиш зарурати мавжуд деган қарашни илгари суради.

Диссертант касаба уюшмалари судда иштирок этаётган вақтларида процес иштирокчиси сифатидаги мақомининг турлича эканлигидир. Агар у ходим манфаатидан келиб чиқиб даъво қўзғатган бўлса манфаатдор шахс

сифатида даъвогар ҳуқуқларидан фойдаланиши мумкин, бироқ суднинг ташаббуси билан чақирилганда ФПК 52-моддаси иккинчи қисми тартибида судга чақирилганида унинг мақоми қандайлиги аниқ эмас, чунки ушбу норма ўз номидан давлат бошқарув органлари, ташкилотлар ва айрим фуқароларни назарда тутмоқда, бу норманинг талаблари эса касаба уюшмалари фаолиятини тартибга солишга қаратилган қонуннинг 27-моддасида белгиланган ваколатларга нисбатан бошқача позицияни белгилайди.

Диссертант фикрича қонунчиликда касаба уюшмаларини ходим манфаатларига қарама қарши бўлган суд ишларига одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар сифатида жалб қилиш амалиётини чеклашга қаратилган нормалар киритиш вақти келди, чунки уларни фаолиятининг асосий моддий манбаи ходимларнинг аъзолик бадали эвазига шакллантирилар экан бундай амалиёт улар фаолиятини самарадорлигига путур етказади деган ғояни асослантиришга ҳаракат қилган.

ХУЛОСА

Тадқиқот натижасида инсоннинг меҳнатга оид ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича миллий механизмларни такомиллаштириш ҳамда бу борадаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини яхшилаш мақсадида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин.

I. Илмий-назарий хулосалар:

1. Ходим меҳнатга оид конституциявий ҳуқуқлардан чекланмаган даражада фойдаланиши мумкин эмас ва бу меҳнат муносабатларида тарафларнинг тенглиги принципи ҳамда иш берувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини бузилишига олиб келиши мумкин.

2. Меҳнат қилиш ҳуқуқининг мазмуни шундаки, ҳар бир шахс меҳнат қилиш ва фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга. Бу ҳуқуқ шахсга мустақил равишда меҳнат турини танлаш, шу билан бирга, меҳнат қилиш шароитларини ўз хоҳишига кўра белгиловчи меҳнат муносабатларига киришиш ҳуқуқини беради.

3. Меҳнат қилишга оид давлат кафолатлари фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилишга қаратилган механизмлардан иборат. Ушбу кафолатлар қонунчиликда мустаҳкамлаб қўйилган бўлиб, қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ходимларнинг меҳнат қилишга бўлган ҳуқуқи бу Конституция ва Меҳнат кодексида акс этган бўлиб, давлат ҳар бир инсоннинг эркин касб танлаши ва меҳнат шартномаси орқали ишга жойлашиш ҳуқуқини кафолатлайди;
- бандликни таъминлаш ва ишсизликдан ҳимоя қилиш соҳасида давлат ишсизликни камайтириш бўйича чоралар кўради. Бу мақсадда аҳолини иш билан таъминлаш дастурлари қабул қилинади, бандлик агентликлари ва касбга тайёрлаш марказлари орқали фуқароларга янги иш ўринлари яратилади;

- меҳнат муҳофазаси ва хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаш соҳасида давлат иш жойларида хавфсизлик ва меҳнат муҳофазасини таъминлайдиган қонунларни жорий этади. Айни ушбу қонунлар асосида иш берувчилар меҳнат муҳофазаси қоидаларига риоя қилишлари ва ходимларга хавфсиз иш шароитларини яратиш чораларини кўради;

- минтақавий иш ҳақи миқдорини кафолатлаш орқали давлат меҳнат ҳақининг энг кам миқдорини белгилайди ва унинг амалга оширилишини назорат қилади. Бу эса ишчиларнинг меҳнат ҳақларини кафолатлашга хизмат қилади;

- ижтимоий ҳимоя ва ёрдам кўрсатиш натижасида, яъни давлат ишсизлик нафақаси, муваққат меҳнатга лаёқатсизлик ёрдам пуллари, пенсиялар, ҳомиладорлик ва туғруқ бўйича ёрдампуллар каби ижтимоий ёрдам турларини жорий этиш орқали фуқароларни меҳнат соҳасида ҳимоя қилади;

меҳнатда тенглик ва камситишлардан ҳимоя қилиш чораларини амалга ошириш натижасида, давлат барча шахслар учун меҳнатда тенглик ҳуқуқини кафолатлайди, жинси, ирқи, миллати, тили ва диний эътиқодидан қатъий назар, ҳар бир шахс тенг меҳнат шароитлари ва имкониятларга эга бўлади ва бу кафолатлар орқали давлат меҳнат қилиш ҳуқуқларининг адолатли ва хавфсиз шароитларда амалга оширилишини таъминлашга ҳаракат қилади.

4. Инсоннинг меҳнатга оид конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш ва ҳимоя қилиш механизми маълум бир ҳуқуқни амалга ошириш учун мўлжалланган усул ва воситалар тизимини, масалан меъёрий воситалар, инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини белгилайдиган ҳамда уларнинг таъминланиши ва амалга оширилишини кафолатлайдиган миллий ва халқаро ҳуқуқ нормалари, ташкилий воситалар сифатида турли хил давлат институтлари (суд органлари, прокуратура, омбудсман институти) ва процессуал усуллар (ҳуқуқларни ҳимоя қилиш учун маъмурий органлар қарорларини шикоят қилиш тартиби, судга даъво киритиш ва халқаро инстанцияларга мурожаат қилиш каби процессуал институтлар) дан иборат.

5. Мамлакатимизда фуқароларнинг конституцияда белгиланган меҳнатга оид ҳуқуқларини таъминлаш самарадорлигини ошириш, давлат органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқини таъминлашга оид кафолатларни янада мустаҳкамлаш зарурати қуйидагилар билан белгиланади:

- меҳнат муносабатларининг кун сайин янги ва хилма-хил шаклларининг вужудга келаётганлиги;

- онлайн платформаларда меҳнат муносабатларининг ривожланиб бораётганлиги;

- жамият ижтимоий хаётида давлат элементи билан боғланган ташкилотлар билан хусусий сектор вакиллари ўртасида соғлом рақобат муҳитининг вужудга келганлиги;

- иқтисодий секторда хорижий инвесторлар улушининг ортиб бораётганлиги;

